


Ташқи савдо айланмаси

2026 йил январь-март ойлари учун дастлабки маълумот

- I. Ташқи савдо айланмаси
- II. Экспорт кўрсаткичлари
- III. Импорт кўрсаткичлари
- IV. Услубий маълумотлар
- V. Алоқадор бошқа ҳаволалар

I. Ташқи савдо айланмаси

2026 йил январь-март ойларида республиканинг ташқи савдо айланмаси (ТСА) 18,0 млрд АҚШ долларига етди ва 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 471,0 млн АҚШ долларига ёки 2,7 % га кўпайди.



ТСАда экспорт ҳажми 5 809,2 млн АҚШ долларига (2025 йилнинг мос даврига нисбатан 29,3 % га камайди) ва импорт ҳажми 12 213,8 млн АҚШ долларига (30,8 % ўсиш) етди. Ҳисобот даврида ташқи савдо баланси 6 404,6 млн АҚШ доллари миқдорида манфий сальдо билан шаклланди.

Шу билан бирга, махсус экспортни ҳисобга олмаганда, товарлар экспорти барқарор ўсишни намоён этди ва 3 482,4 млн АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 26,2 % га ошди.

Ўзбекистон Республикасининг йирик ҳамкор давлатлар
билан ташқи савдо айланмаси динамикаси
январь-март млн АҚШ доллари

	2024 й.	2025 й.	2026 й.
Хитой	3 025,5	3 014,6	4 617,0
Россия Федерацияси	2 809,0	2 663,2	3 281,5
Қозоғистон	937,2	1 025,6	1 306,5
Туркия	676,3	610,7	653,4
Афғонистон	238,8	402,0	508,0
Франция	311,8	345,7	488,9
Корея Республикаси	544,2	417,1	463,6
БАА	134,7	246,3	458,7
Туркманистон	205,3	180,7	357,5
Германия	268,9	302,7	304,8
Ҳиндистон	212,2	281,8	299,8
Беларус	141,0	173,7	259,7
АҚШ	205,7	249,3	258,4
Қирғиз Республикаси	154,1	154,6	221,7
Тожикистон	152,6	142,7	188,8
Гонконг*	24,4	24,4	155,7
Эрон	104,9	101,3	151,4
Италия	114,5	98,4	116,5
Ирландия	34,0	17,2	102,7
Украина	51,7	68,4	94,4

Ўзбекистон жаҳоннинг 170 дан ортиқ мамлакати билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг юқори улуши Хитой (25,6 %), Россия Федерацияси (18,2 %), Қозоғистон (7,2 %), Туркия (3,6 %) ва Афғонистон (2,8 %) ҳиссасига тўғри келди.

Экспорт таркибида товарлар улуши 59,9 % ни ташкил этиб, жумладан, саноат товарлари (17,8 %), кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар (10,6 %), озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар (9,2 %) ва ҳар хил тайёр маҳсулотлар ҳиссаси юқори (9,2 %) бўлди.

* Хитой махсус маъмурий ҳудуди

II. Экспорт кўрсаткичлари


январь-март

Таркиби	млн АҚШ доллари		Ўсиш суръати, % да		Умумий ҳажмга нисбатан, % да	
	2025 й.	2026 й.	2025 й.	2026 й.	2025 й.	2026 й.
Жами экспорт	8 213,6	5 809,2	126,1	70,7	100,0	100,0
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	469,5	534,8	133,5	113,9	5,7	9,2
Ичимликлар ва тамаки	36,6	57,0	146,9	155,5	0,4	1,0
Нооziқ-овқат хомашёси, ёқилғидан ташқари	71,2	83,1	89,0	116,8	0,9	1,4
Минерал ёқилғи, мойлаш материаллари ва шунга ўхшаш материаллар	258,3	243,8	122,5	94,4	3,1	4,2
Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	17,5	29,5	2,6	168,3	0,2	0,5
Кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар	419,4	613,0	111,5	146,2	5,1	10,6
Саноат товарлари	896,9	1 034,1	87,7	115,3	10,9	17,8
Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари	264,8	301,8	107,8	114,0	3,2	5,2
Турли хил тайёр буюмлар	287,7	535,6	107,1	186,2	3,5	9,2
Бошқа товарлар	3 656,4	49,5	136,8	1,4	44,5	0,9
<i>шу жумладан: номонетар олтин</i>	<i>3 570,7</i>	<i>0,0</i>	<i>134,0</i>	<i>-</i>	<i>43,5</i>	<i>-</i>
Хизматлар	1 835,2	2 326,8	146,2	126,8	22,3	40,1

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Экспорт таркиби \(ХССТ-2008\) \(ойлик\)](#)

Ўзбекистон Республикасининг давлатлар кесимида экспорти ҳажми 2026 йил январь-март, млн АҚШ доллари



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Экспорт ҳажми \(мамлакатлар кесимида, ойлик\)](#)

2026 йилнинг январь-март ойларида ташқи савдо айланмасида товарлар ва хизматлар экспорти бўйича асосий ҳамкорлар Россия (18,1%), Хитой (11,0%), Афғонистон (7,6%), Франция (7,0%), Қозоғистон (4,9%), Туркия (4,0%), БАА (3,0%),

Қирғиз Республикаси (2,9 %) ва Тожикистон (2,4 %) каби давлатлар бўлди. Уларнинг умумий экспортдаги улуши 60,0 % дан ортиқни ташкил этди.

ХССТ бўйича товарлар экспорти таркиби

2026 йил январь-март

ХССТ коди	ХССТ бўлими номи	млн АҚШ доллари	Ўсиш суръати, % да
0	Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	534,8	113,9
05	Сабзавотлар ва мевалар	326,1	109,1
04	Донли экинлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар	147,8	117,5
08	Ҳайвонлар учун озуқалар	15,0	2,6 б.
02	Сут маҳсулотлари ва қуш тухумлари	14,5	85,8
07	Кофе, чой, какао, зираворлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар	10,1	123,7
00	Тирик ҳайвонлар	6,6	5,2 б.
06	Шакар, шакардан тайёрланган маҳсулотлар ва асал	5,2	111,3
09	Ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари ва препаратлар	4,8	2,2 б.
01	Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	3,4	65,4
03	Балиқ (денгиз сутэмизувчилари бўлмаган), қисқичбақасимонлар, моллюскалар ва сувда сузувчи умуртқасизлар ва ярим тайёр маҳсулотлар	1,3	2,0 б.
1	Ичимликлар ва тамаки	57,0	155,5
11	Ичимликлар	38,5	2,3 б.
12	Тамаки ва тамаки маҳсулотлари	18,5	94,0
2	Ноозик-овқат хомашё, ёқилғидан ташқари	83,1	116,8
28	Металл рудалари ва металл парчалари	26,9	2,7 б.
26	Тўқимачилик толалари ва уларнинг чиқиндилари	21,2	91,0
29	Ҳайвонлар ва ўсимликлардан келиб чиққан хомашё материаллари	13,0	84,0
27	Ўғитлар учун хомашё ва минерал хомашё	10,0	107,3
25	Қоғоз массаси ва макулатура	5,9	91,3
22	Ёғли уруғлар ва ёғли мевалар	4,9	85,4
24	Пробка ва ёғоч-тахталар	0,7	129,3
23	Табиий каучук	0,5	115,9
21	Ишлов берилмаган терилар, тери хомашёси ва мўйна	0,0	0,0
3	Минерал ёқилғи, мойлаш материаллари ва шунга ўхшаш материаллар	243,8	94,4
33	Нефть ва нефть маҳсулотлари ва шунга ўхшаш материаллар	150,1	131,3
35	Электр токи	56,2	114,0
34	Табиий ёки сунъий газ	36,7	39,0
32	Кўмир, кокс ва брикетлар	0,8	189,1
4	Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	29,5	168,3
42	Ўсимлик мойлари ва ёғлари (хом, тозаланган ёки фракцияланган)	29,1	165,7
43	Ҳайвонлар ва ўсимликлар мойлари ва ёғлари, қайта ишланган; ҳайвонлар ва ўсимликлардан келиб чиққан мумлар	0,5	91,1 б.
5	Кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар	613,0	146,2
52	Ноорганик кимё моддалари	424,6	182,5

ХССТ коди	ХССТ бўлими номи	млн АҚШ доллари	Ўсиш суръати, % да
56	Ўғитлар	82,6	93,9
57	Бирламчи шаклдаги пластмассалар	48,9	87,5
59	Бошқа жойда таснифланмаган кимёвий материаллар ва маҳсулотлар	14,3	102,3
54	Тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари	13,6	140,7
55	Эфир мойлари, резиниодлар ва атторлик моддалари; ҳожатхона препаратлари, полировкалаш ва ювиш воситалари	9,2	164,6
53	Бўяйдиган ва терини ошловчи моддалар ва бўёқлар	8,6	159,3
51	Органик кимё моддалари	6,2	109,7
58	Бирламчи шаклда бўлмаган пластмассалар	5,2	189,7
6	Саноат товарлари	1 034,1	115,3
65	Тўқимачилик йигирилган ипи, матолар, тайёр буюмлар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар	429,8	106,1
68	Рангли металллар	367,0	107,8
66	Норуда қазилмалардан олинган маҳсулотлар	73,2	158,7
67	Чўян ва пўлат	67,6	3,0 б.
69	Металллардан тайёрланган буюмлар	63,3	138,8
64	Қоғоз, картон ва қоғоз массаси, қоғоз ёки картондан тайёрланган буюмлар	12,5	121,0
62	Бошқа жойда таснифланмаган каучук маҳсулотлар	8,0	98,9
63	Пробка ва дарахтдан тайёрланган буюмлар (мебелдан ташқари)	7,4	110,2
61	Тери, теридан тайёрланган буюмлар, мўйна	5,3	44,7
7	Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари	301,8	114,0
77	Электр машиналари, аппаратлари ва жиҳозлари ва уларнинг электр қисмлари	62,0	113,1
79	Бошқа транспорт ускуналари	58,5	107,4
76	Электр алоқаси, овозни ёзиш ва овозни эшиттириш аппаратларлари ва ускуналари	46,9	5,7 б.
78	Автомобиллар (ҳаво ёстиқларида ҳаракатланувчилар ҳам)	44,8	58,5
784	<i>шу жумладан: автомобилларнинг қисмлари ва анжомлари</i>	37,2	53,9
71	Энергия генератори машиналари ва асбоб-ускуналар	40,5	91,4
72	Аниқ соҳалар учун махсус мўлжалланган машиналар	33,8	2,6 б.
74	Саноат учун махсус бўлмаган машиналар ва уларнинг деталлари	12,7	106,4
73	Металларни қайта ишлаш машиналари	1,6	163,3
75	Канселярия машиналари ва маълумотларни автоматик равишда қайта ишлаш учун асбоб-ускуналар	1,0	3,2 б.
8	Турли хил тайёр маҳсулотлар	535,6	186,2
84	Кийим-кечаклар ва уларнинг анжомлари	300,6	136,2
89	Бошқа жойда таснифланмаган ҳар хил тайёр буюмлар	214,8	4,0 б.
82	Мебель ва унинг қисмлари, ётаржой буюмлари матраслар, матраслар учун тиргаклар, ёстиқлар ва шунга ўхшаш тикилган мебель	10,0	2,7 б.
85	Пойабзал	4,1	178,1
87	Махсус, илмий ва назорат асбоблари ва аппаратлари	2,6	84,3
81	Блокли бинолар, сув ўтказиш, канализация, иситиш ва ёритиш ускуналари учун арматура ва маҳкамлаш мосламалари	2,0	119,9
83	Йўл анжомлари, сумкалар ва шунга ўхшаш контейнерлар	1,5	82,7
88	Фотографик аппаратура, ускуна, ишлатиладиган материаллар ва оптик буюм, соат	0,1	15,6
9	Бошқа товарлар	49,5	1,4

ХССТ коди	ХССТ бўлими номи	млн АҚШ доллари	Ўсиш суръати, % да
97	Номонетар олтин (рудалари ва концентратларидан ташқари)	30,0	0,8
93	Махсус операциялар ва турлари бўйича таснифланмаган товарлар	19,5	180,7


2026 йил январь-март ойларида 339,9 минг тонна мева ва сабзавотлар экспорти амалга оширилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 10,0 % ёки 30,9 минг тоннага ошди.

Мева ва сабзавотлар экспорти январь-март

	2025 йил		2026 йил	
	Миқдори, минг тонна	Млн АҚШ доллари	Миқдори, минг тонна	Млн АҚШ доллари
Жами	309,1	282,7	339,9	317,7
мевалар ва резаворлар	52,0	60,2	75,2	93,0
қуритилган узум	24,2	31,4	31,4	36,0
қуритилган олхўри	12,1	16,4	9,8	18,1
қуритилган ўрик	3,8	5,0	6,2	15,1
узум	9,4	6,1	17,1	11,1
анор	–	–	7,5	11,0
хурмо	2,6	1,3	3,2	1,6
сабзавотлар	149,6	49,2	148,2	57,7
карам	55,5	19,6	74,6	29,1
пиёз	64,6	14,4	37,7	9,2
помидор	5,9	6,8	6,4	8,1
сабзи	17,1	3,0	24,0	4,9
қалампир	4,7	3,3	3,1	4,3
бодринг	1,8	2,1	2,3	2,0
тарвуз ва қовун	0,4	0,1	0,2	0,0
ерёнғоқ ва ёнғоқлар	7,7	17,9	7,3	16,3
мош	18,8	15,7	19,3	18,3
бошқа	80,6	139,7	89,7	132,4

2026 йил январь-март ойларида 317,7 млн АҚШ долларига тенг мева ва сабзавотлар экспорт қилинди. Бу кўрсаткич 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 12,4 % га ўсди ва жами экспортдаги улуши 5,5 % ни ташкил этди.


Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти улуши



2026 йил январь-март ойлари якуни бўйича 739,9 млн АҚШ долларилек тўқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилиб, умумий экспортнинг 12,7 % ини ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,6 % га ошди.

Экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари таркибида тайёр тўқимачилик маҳсулотлари (51,7 %), ип калава (31,4 %) асосий улушни эгаллаган.

Хизматлар экспорти 2026 йил январь-март ойлари, млн АҚШ доллари



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Хизматлар экспорти \(хизматлар тури бўйича, ойлик\)](#)

2026 йил январь-март ойларида хизматлар экспорти ҳажми 2 326,8 млн АҚШ долларини ёки жами экспорт ҳажмининг 40,1 % ини ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 26,8 % га ўсди. Хизматлар экспорти таркибининг асосий улуши сафарлар (туризм) (48,0 %), транспорт (35,5 %), телекоммуникация, компьютер ва ахборот (10,3 %) ва бошқа тадбиркорлик билан боғлиқ хизматлар (2,1 %) ҳиссасига тўғри келган.

III. Импорт кўрсаткичлари

Ушбу даврга келиб импорт ҳажми 12 213,8 млн АҚШ долларига етди ва 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 30,8 % га ўсди. Импорт таркибида энг катта улуш машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари (33,8 %), саноат товарлари (13,9 %) ҳамда кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар (12,0 %) ҳисобига тўғри келди.

Товарлар импорти динамикаси таҳлиliga кўра, 2026 йилнинг январь-март ойларида импорт қилинган товарлар ҳажми, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 2 689,7 млн АҚШ долларига кўпайди ва 10 991,0 млн АҚШ долларини ташкил этди. Хизматлар импорти эса 1 222,8 млн АҚШ долларига етди.


Ўзбекистон Республикасининг импорти таркиби январь-март

ХССТ таркиби	млн АҚШ доллари		Ўсиш суръати, % да		Умумий ҳажмга нисбатан, % да	
	2025-й.	2026-й.	2025-й.	2026-й.	2025-й.	2026-й.
Жами импорт	9 338,4	12 213,8	99,2	130,8	100,0	100,0
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	953,5	1 391,1	115,3	145,9	10,2	11,4
Ичимликлар ва тамаки	50,0	71,3	85,0	142,6	0,5	0,6
Ноозиқ-овқат хомашё, ёқилғидан ташқари	224,5	288,9	139,3	128,7	2,4	2,4
Минерал ёқилғи, мойлаш материаллари ва шунга ўхшаш материаллар	713,2	1 172,5	73,8	164,4	7,6	9,6
Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	108,3	158,1	142,4	146,0	1,2	1,3
Кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар	1 202,6	1 461,2	103,9	121,5	12,9	12,0
Саноат товарлари	1 485,2	1 696,2	95,8	114,2	15,9	13,9
Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари	3 181,0	4 132,1	90,0	129,9	34,1	33,8
Турли хил тайёр буюмлар	307,3	441,8	92,8	143,7	3,3	3,6
Бошқа товарлар	75,8	177,9	3,2 б.	2,3 б.	0,8	1,5
Хизматлар	1 037,0	1 222,8	142,5	117,9	11,1	10,0

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Импорт таркиби \(ХССТ-2008\) \(ойлик\)](#)

Ўзбекистон Республикасининг давлатлар кесимида импорти ҳажми
2026 йил январь-март, млн АҚШ доллари



2026 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикаси 140 дан ортиқ давлатдан товар ва хизматлар импортини амалга оширди. Йирик ҳамкор давлатлар, жумладан, Хитой (32,5 %), Россия (18,3 %), Қозоғистон (8,4 %), Корея Республикаси (3,7 %), Туркия (3,5 %), Туркманистон (2,6 %) ва БАА (2,3 %) жами импортнинг 70,0 % дан ортиғини ташкил этди.

ХССТ бўйича товарлар импорти таркиби 2026 йил январь-март


ХССТ коди	ХССТ бўлими номи	млн АҚШ доллари	Ўсиш суръати, % да
0	Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	1 391,1	145,9
04	Донли экинлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар	392,9	167,5
01	Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	241,4	174,9
05	Сабзавотлар ва мевалар	179,8	132,8
06	Шакар, шакардан тайёрланган маҳсулотлар ва асал	167,7	132,5
07	Кофе, чой, какао, зирavorлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар	129,0	118,5
02	Сут маҳсулотлари ва қуш тухумлари	84,1	134,7
09	Ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари ва препаратлар	78,5	160,2
08	Ҳайвонлар учун озуқалар	74,0	133,5
00	Тирик ҳайвонлар	29,5	91,5
03	Балиқ (денгиз сутэмизувчилари бўлмаган), қисқичбақасимонлар, моллюскалар ва сувда сузувчи умуртқасизлар ва ярим тайёр маҳсулотлар	14,1	130,3
1	Ичимликлар ва тамаки	71,3	142,6
11	Ичимликлар	38,7	123,7
12	Тамаки ва тамаки маҳсулотлари	32,6	174,4
2	Ноозиқ-овқат хомашё, ёқилғидан ташқари	288,9	128,7
24	Пробка ва ёғоч-тахталар	104,9	100,5
28	Металл рудалари ва металл парчалари	59,9	2,3 б.
22	Ёғли уруғлар ва ёғли мевалар	41,8	2,3 б.
27	Ўғитлар учун хомашё ва минерал хомашё	22,4	119,7
29	Ҳайвонлар ва ўсимликлардан келиб чиққан хомашё материаллари	19,7	129,1
25	Қоғоз массаси ва макулатура	15,5	104,1
26	Тўқимачилик толалари ва уларнинг чиқиндилари	15,0	88,5
23	Табийи каучук	9,6	99,5

ХССТ коди	ХССТ бўлими номи	млн АҚШ доллари	Ўсиш суръати, % да
21	Ишлов берилмаган терилар, тери хомашёси ва мўйна	0,2	148,5
3	Минерал ёқилғи, мойлаш материаллари ва шунга ўхшаш материаллар	1 172,5	164,4
33	Нефть ва нефть маҳсулотлари ва шунга ўхшаш материаллар	724,2	165,2
334	<i>шу жумладан: бензин (автомобиллар учун)</i>	498,5	137,5
34	Табиий ёки сунъий газ	360,5	2,2 б.
32	Кўмир, кокс ва брикетлар	44,8	91,8
35	Электр токи	43,0	71,2
4	Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	158,1	146,0
42	Ўсимлик мойлари ва ёғлари (хом, тозаланган ёки фракцияланган)	141,9	153,6
43	Ҳайвонлар ва ўсимликларнинг қайта ишланган мойлари ва ёғлари, ҳайвонлар ва ўсимликлардан келиб чиққан мумлар	15,5	99,1
41	Ҳайвонларнинг ёғлари	0,6	3,3 б.
5	Кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар	1 461,2	121,5
54	Тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари	473,5	100,2
57	Бирламчи шаклдаги пластмассалар	281,6	134,3
59	Бошқа жойда таснифланмаган кимёвий материаллар ва маҳсулотлар	191,1	125,8
55	Эфир мойлари, резинодлар ва атторлик моддалари; ҳожатхона препаратлари, полировкалаш ва ювиш воситалари	157,0	148,6
51	Органик кимё моддалари	144,7	167,6
52	Ноорганик кимё моддалари	92,4	132,6
53	Бўяйдиган ва терини ошловчи моддалар ва бўёқлар	63,2	101,6
56	Ўғитлар	29,7	155,4
58	Бирламчи шаклда бўлмаган пластмассалар	28,0	110,1
6	Саноат товарлари	1 696,2	114,2
67	Чўян ва пўлат	731,1	107,3
69	Бошқа жойда таснифланмаган металлдан тайёрланган буюмлар	240,9	112,4
65	Тўқимачилик йигирилган ипи, матолар, тайёр буюмлар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар	142,3	113,8
68	Рангли металллар	140,5	193,8
63	Пробка ва дарахтдан тайёрланган буюмлар (мебелдан ташқари)	124,0	135,8
62	Резина буюмлари	113,7	88,1
64	Қоғоз, картон ва қоғоз массаси, қоғоз ёки картондан тайёрланган буюмлар	113,3	122,3
66	Норуда қазилмалардан олинган маҳсулотлар	90,1	114,6
61	Тери, теридан тайёрланган буюмлар, мўйна	0,4	86,0
7	Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари	4 132,1	129,9
78	Автомобиллар (ҳаво ёстиқларида ҳаракатланувчилар ҳам)	907,4	135,1
781	<i>шу жумладан: асосан йўловчиларни ташиш учун мўлжалланган двигателли автомобиллар ва бошқа транспорт воситалари</i>	369,8	3,2 б.
784	<i>шу жумладан: автомобилларнинг қисмлари ва анжомлари</i>	419,4	106,2
77	Электр машиналари, аппаратлари ва жиҳозлари ва уларнинг электр қисмлари	820,0	181,1
74	Саноат учун махсус бўлмаган машиналар ва уларнинг деталлари	588,3	113,4
72	Аниқ соҳалар учун махсус мўлжалланган машиналар	578,0	86,8
76	Электр алоқаси, овозни ёзиш ва овозни эшиттириш аппаратуралари ва ускуналари	427,3	193,3
71	Энергия генератори машиналари ва асбоб-ускуналар	385,0	173,1
75	Канселярия машиналари ва маълумотларни автоматик равишда қайта ишлаш учун асбоб-ускуналар	207,6	2,5 б.
79	Бошқа транспорт ускуналари	176,1	71,2
	<i>шу жумладан: самолётлар ва бошқа механик қувватга эга учуш аппаратлари (вертолётлардан ташқари)</i>	71,1	41,5

ХССТ коди	ХССТ бўлими номи	млн АҚШ доллари	Ўсиш суръати, % да
73	Металларни қайта ишлаш машиналари	42,2	43,8
8	Турли хил тайёр маҳсулотлар	441,8	143,7
87	Махсус, илмий ва назорат асбоблари ва аппаратлари	153,4	159,2
89	Бошқа жойда таснифланмаган ҳар хил тайёр буюмлар	120,7	132,5
81	Блокли бинолар, сув ўтказиш, канализация, иситиш ва ёритиш ускуналари учун арматура ва маҳкамлаш мосламалари	61,9	171,6
82	Мебель ва унинг қисмлари, ётаржой буюмлари матраслар, матраслар учун тиргаклар, ёстиқлар ва шунга ўхшаш тикилган мебель	48,2	121,0
84	Кийим-кечаклар ва уларнинг анжомлари	35,7	134,5
85	Пойабзал	11,3	120,0
88	Фотографик аппаратура, ускуна, ишлатиладиган материаллар ва оптик буюм, соат	5,5	139,6
83	Йўл анжомлари, сумкалар ва шунга ўхшаш контейнерлар	5,1	123,7
9	Бошқа товарлар	177,9	2,3 б.
97	Номонетар олтин (рудалари ва концентратларидан ташқари)	177,9	2,3 б.

2026 йилнинг январь-март ойлари якуни билан хизматлар импорти ҳажми 1 222,8 млн АҚШ долларини ёки жами импорт ҳажмининг 10,0 % ини ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,9 % га ошди.

Хизматлар импорти таркиби 2026 йил январь-март, млн АҚШ доллари



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Хизматлар импорти \(хизматлар тури бўйича, ойлик\)](#)

Хизматлар импорти таркибида асосий улуш сафарлар (49,8 %), транспорт хизматлари (19,8 %), телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари (12,4 %) ва бошқа тадбиркорлик билан боғлиқ хизматлар (8,3 %) ҳиссасига тўғри келди.

IV. Услубий маълумотлар

Товарлар ташқи савдоси статистика кўрсаткичларини шакллантиришда, Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТИФ ТН) билан биргаликда, БМТнинг Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичи (ХССТ) ишлатилади. Бу ўз навбатида таҳлилий мақсадларда экспорт ва импорт қилинадиган товарларни 10 та катта қисмга гуруҳлаш имконини беради. Товарларни ХССТ бўйича кодлаштириш, ТИФ ТН ва ХССТ ўртасида ўтиш қалитлари ёрдамида амалга оширилади.

Ташқи савдо статистикаси, товарлар ва хизматлар ташқи савдоси маълумотлари асосида шакллантирилади. Бунда, Божхона қўмитасининг божхона юк декларацияси маълумотлари ҳамда Миллий статистика қўмитасининг резидентдан норезидентга ўтувчи, давлат чегарасини кесиб ўтмайдиган ва божхона декларациясида ҳисобга олинмайдиган белгиланган турдаги товарлар бўйича статистика кузатувлари товарлар ташқи савдоси статистикасини шакллантиришда дастлабки маълумотлар манбаси ҳисобланади. Хизматлар ташқи савдоси статистикасини шакллантириш статистика кузатувлари асосида амалга оширилади.

Баъзи ҳолларда, жами сонлар йиғиндиси ўртасидаги кичик тафовутлар маълумотларни яхлитлаш билан изоҳланади.

V. Алоқадор бошқа ҳаволалар

[Ташқи савдо айланмаси ҳажми \(йиллик\)](#)

[Ташқи савдо айланмасининг ўсиш суръати \(йиллик\)](#)

[Ташқи савдо айланмаси ҳажми \(мамлакатлар кесимида, йиллик\)](#)

[Ташқи савдо айланмаси ўсиш суръати \(мамлакатлар кесимида, йиллик\)](#)

[Экспорт ҳажми \(ҳудудлар кесимида, йиллик\)](#)

[Экспорт ҳажми \(мамлакатлар кесимида, ойлик\)](#)

[Импорт ҳажми \(йиллик\)](#)

[Импортнинг ўсиш суръати \(йиллик\)](#)

Чоп этишга масъул:
Ташқи иқтисодий фаолият ва
савдо статистикаси бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63.
Электрон почта: info@stat.uz
Тел.: 71-203-80-00 (1180, 1181)

